2- 8. Ва одамлардан «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик

17:24 / 12.05.2017 3502

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ آمَنَّا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُم بِمُؤْمِنِينَ

2- 8. Ва одамлардан «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик», дейдиганлари бор. Ҳолбуки, улар мўмин эмаслар.

Мунофиқларнинг бош сифатлари ушбу оятда зикр қилинмоқда. Улар «Аллоҳга иймон келтирдик, қиёмат кунига иймон келтирдик, мўмин бўлдик», деб мўмин кишига лозим бўлган икки буюк эътиқодни айтишади. Аслида эса улар на Аллоҳга ва на қиёмат кунига ишонишмайди.

Демак, қалбида йўқ нарсани бор, деб кўрсатиш мунофиқликдир.

Ушбу оятда улар ақийда масаласининг аввали бўлмиш Аллоҳга иймонни ва сўнги бўлмиш охиратга иймонни даъво қилишди, шу билан гўё ақийда бобида ҳамма нарсага ишонамиз, демоқчи бўлишди.